

---

## Учкўприкда хотин-қизлар фаолларига замонавий планшетлар топширилди

Учкўприк туманидаги 53 та маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган хотин-қизлар фаолларига замонавий планшетлар топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида республиканинг барча маҳаллаларида “Маҳаллада ижтимоий хизмат” модули орқали ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилиши белгиланган.

Бугунги кунда ЮНИСЕФнинг “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида янги модул ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур хизматнинг жорий этилиши, аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар кўлами ва сифатини яхшилашга, оилаларнинг ижтимоий муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этишга имконият яратиши билан бир қаторда, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига катта масъулият юклайди.

Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Учкўприк туманидаги маҳаллаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар фаолларига замонавий планшетлар топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда туман ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Мадинахон Маматова ушбу планшетлар хотин-қизлар фаолларига бу борадаги вазифаларни тизимли ташкил қилиш, соҳага замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш орқали иш сифати ва самарадорлигини оширишда қўл келишини таъкидлади.

2023-01-09 10:59:09